Комбинатимиз жамоаси шаҳардаги янги очилган эмизилик чакалоқлар уйига, 10-ўрта мактабга оталик қилиб келди. Бу ишчи давом эттирамиз. Бу йилги Наврўз олдида эмизилик чакалоқлар уйи ҳисобига 45 минг сўм пул ўтказдик, 10-мактаб ремонтига 100 минг сўм ажратдик. Шунингдек, «Маҳалла» ҳайрият жамғармасига 100 минг сўм, «Наврўз» жамғармасига 200 минг сўм пул ўтказишга қарор қилдик.

Биз шу иқтисодий оғир шароитда корхона-миз ишчиларини ҳам унутганимиз йўқ. Турли байрамлар олдидадан ўз ёрдами хўжалигимизда ўстириляётган қорамол-ларни сўйиб, ишчи-хизматчиларимизга арзон нарҳда гўшт сотамиз. Болалар боғча-лари ёзин-қийин сўт билан таъминлаб туриладик.

Наврўз арафасида бир пайтлар корхона-мизда ишлаган марҳумлар оиласидан хабар оламиз. Уларга ўзимизда чиқари-ладиган мой, совун, емдан имконияти-мизга ярашсини таркатамиз.

Хавож РАСУЛОВА, Андижон ёр-мой комбинати ХДП бош-ланғич ташкилотининг котиби.



Тантана — тантананага уланаётир. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• Навоий

ҚАДРИЯТЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Ж. НОРҚУЛОВ, Кониқмеҳ район ҳокимининг биринчи ўринбосари

Мустанкил ўлкамизга яна Наврўз кириб келмоқда. Энди у фақат янги йил ёки уй-ғонич, яшарш фасли — баҳор бошлан-ши сифатида эмас, балки қайта тикланган миллий расм-русумлар, урф ва анъаналар, кадриятлар байрам тарзида нишон-ланяпти.

Тайёргарлик ишларини бошлаб юборганимизга анча бўлди. Маҳалла ва кўчалар-да, олимп ўтов ва овулларда чинакам халқ сайиллари ўтказилди. Биз жойларга тай-ёргарлик ишлари билан шуғулланиш учун халқ депутатлари ва ХДП аъзоларидан иборат байрамни ташкил этувчи бригадалар юбордик.

Энг катта халқ сайли районимиз марказий уйиниқолида бўлиб ўтади. Бу ерда сумалак, ҳалим, халиса сайиллари, кўклатлар кўргазмасидан ташқари турли таомлар кўриқ-конкурслари ҳам бўлиб ўтади. «Энг яхши пазанда», «Энг яхши хунарманда», «Энг яхши новвой» деб топилганларга қимматбахо совғалар берилади. Анъаналаримизни, кадриятларимиз-ни ўзда муҳассам этган миллий халқ ўйинларига кенг ўрин берилади. Масалан, қозоқлар ва қоракўллар урдуими бўлган «Қиз қувди», «Айтшув», «Тўққиз юма-

лоқ», «Бешик келди», «Келин чорлоқ» сингари турли беллашув ва мусобақалар ўтказилади. Бундан ташқари, кўчқор ва хўкчи уришириш, арқон тортиш, тош кўтариш, миллий кўраш беллашувлари ҳам йилгиларларда зўр қизиқчи уйғотиши керак.

Халқ сайиллари Учтепа, Янгиағзон, Бой-мурод ва Саржалда, Қирқота ҳамда Чор-дара қишлоқ кенгашларида ҳам оммавий тарзда ўтади. Халқ ансамбллари, хаваскор гуруҳлар ўз дастурларини намойиш қи-лишади.

Асосан, қозоқлар ва қоракўллар диври бўлган районимизда Наврўз тантаналарига пухта тарадуд қўриляпти. Бунинг учун район ҳокимлик тизими, Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгаши билан ҳамкорликда алоҳида тад-бирлар ишлаб чиқди. Наврўз тантаналари районимизда 8 Март кунини хайрия мар-афони ўтказишдан бошланади. Тушган маблағ ногиронлар, касалланганлар, боқув-чисини йўқотганларга меҳр-шафқат тар-зида улашिलाди.

Қадриятларимизни қайтариб берган Наврўзни кониқмеҳликлар чинакам халқ шодиёналари сифатида ўтказишади.

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Районимизнинг ҳам, хўжалигимизнинг ҳам исми жисмига монанд. Районимиз номига кўккам фасли уйғула-шиб кетган бўлиб, хўжалиги-мизга миллий халқ байрами Наврўз ҳамоҳангдир. Бунинг рамзий маъносига бор, албатта. Чунки Ўзбекистон истиқлоли туғилиш райониимиз қайта ташкил этилди. Шунингдек, кенжа ва навқирон хўжалиги-миз юзага келди.

Биз бу йилги Наврўз бай-ремида хўжалигимиз ташкил топганининг уч йиллигини ни-шонлаймиз. Шунинг учун ш-бу байрамга алоҳида ҳозир-лик қилдик. Бу рағби шодиёналар «Наврўз» номли хў-жаликда чинакам халқ сайли-га айлантирилади. Байрамни ҳафта давомида эмас, балки

бугун март ойида тантана қи-лаемиз. Қадриятларимиз, анъаналаримиз, қадимки урф-одатларимизни тамомла қай-тариб берган Наврўз тантана-лари колхозимизда айтарли бошланди. Ҳозирданқоқ сумалак ва кўклатлар сайли хона-донларга фойз киритди. Тур-ли таомлар ва лазандалик кўриқ-конкурслари ўтказишга қирришди. Наврўз кунлари-да биз миллий халқ ўйинла-рига, жумладан, кўчқори, дор-бозлик, кўраш, кўчқор ва хў-жалик уриштиришларга алоҳида

эътибор берамиз. Булардан ташқари, «Озода хонадон», «Обод кўча», «Яхши маҳалла» ташкилотларини ҳам ўтказамиз. Энг муҳими, бу Наврўз бай-рами умулхалқ хашарига ай-ланиб кетишидир. Наврўз кун-лари биз деҳқончилик ишла-рини бошлаб юборамиз. Эр-таги экинлар — картошка, макка, пىёз ва қорам урғу-ларини эминга қадаямиз.

Хуллас, бу йил Наврўз чи-накам байрамга айлантири-лади. Бунинг учун хўжалик бошқаруви ҳамда ХДП бош-ланғич партия ташкилоти тў-ла камрабаст.

Д. ОЧИЛОВ, Навбаҳор районидagi «Наврўз» жамға хўжалиги бош-қаруви раиси, вилоят кенга-ши депутати.



Бугунги Навоий.

ШОДИЁНА АРАФАСИДА

ОНА юртимиз катта шодиёна арафасида ту-рибди. Не-не синовлардан ўтган, лекин ҳеч на-чон қадди дол бўлмаган, бирор ғаним асру ба-ди қила олмаган Наврўзимиз эшик қўйиб кел-пти. Бутун мамлакат, жамини одамлар уни кў-чқо очиб қаршала таралудиди. Бошқа мутасад-ди ташкилотлар ҳаттори республика Маданият ишлари вазирлиги, унинг жойлардаги идоралари ҳам арафа кунларида тайёргарликни қийитиб юбордилар.

Наврўзнинг кун билан туш тенг келадиган дам-лардан бошланганида рам-зий маъно борга ўхшайди, — дейди республика мада-ният ишлари вазирининг ўринбосари Н. Иброҳимова. — Тенгликка нима етсин! Бир асрдан кўпроқ давр мобайнида ота-боболаримиз ҳам, уларнинг фарзандла-ри, набираю эваралари ҳам тейлик хумориди ашаб, дорилмон замон умиди билан нафас олиш-ди. Не бахти, бизга шун-ди замон насиб этди. Мус-тақиллигимизнинг иккинчи баҳорини нишонлятимиз. Биз Наврўзни нишонлаш режаларимизда худди ана шу бахт, ана шу шодиёна-ларга алоҳида урғу бера-миз.

Байрам арафасида, ай-ниқса, Наврўз нишонла-ётган кунларда қандай тадбирлар амалга оши-рилади? Агар аҳамият берган бўлсангиз, Анҳор соҳилида,

диёналари ўтказилади. Те-атрлар пойтахтининг ҳар бир туманида фаолият кў-расаётган ташкилий кўми-та аъзолари билан ҳам-корликда санки-ўн дақи-қали томошалар уюшти-радилар. Бу томошаларда ҳар бир тумандан тўқсон-юз киши қатнашади. Шундан кейин улар Халқлар дў-стлиги майдонида катта то-моша қўйиб берадилар. Уларда концерт ташкилот-ларининг жамоалари, ба-дний ҳаваскорлик ҳамда фольклор дасталари ҳам қатнашадилар.

Бу йилги Наврўз сайли аввалгиларидан шуниси билан фарқ қиладикки, у ўн кун давом этади.

— Наврўз ҳар бир хо-надона, ўлкамизнинг ис-талган тушасига кириб бо-ради. Ҳамма ернинг ўзига хос удуми, анъаналари бор... Байрам режалари тузиляётганида жойлардан тушган тақдирлар ҳисобга олинди. Мамлакатимизда ўтказилажак тадбирларда 33 давлат театри, етти филармониядан қариб 30 та жамоа, давлат эстрада бирлишмасига қарашли 20 дан ортиқ концерт даста-лари, «Баҳор» давлат рақс дастаси, ўн мингдан кў-проқ ҳаваскорлар, халқ жа-

моаси фахрий увонига сазовор бўлган 260 дан ортиқ даста меҳнаткашлар ҳузурда ўз санъатларини намойиш этадилар. Буларнинг ёнига дорбозлар, аскиячилар, бахшларнинг ҳам қўшадиған бўлсақ, биз ориқчи кутаётган Наврўз олам қандай миқёс касб эттишини, у нақадар қу-ловчи бўлишини кўз ол-димизга келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, биз-нинг буюртмаимиз билан хилма-хил сахна асарлари ёзилди. С. Сирожиддинов-нинг «Маҳаллада тўй», М. Бобоевнинг «Келди Наврў-зини олам — қулди Ўзе-бекистон ҳам», Ҳ. Расулнинг «Наврўз айёми» сингари асарлари асосида томоша-лар тайёрланмоқда. Бу юртма асосида ёзилган асарларни кўпайтириб, бай-рамда фойдаланиш учун жойларга юбордик. Хуллас, мукаммал режалар тузил-ган. Ҳамма гап уларни кўнгилдагидек амалга оши-ришда қолди.

— Наврўз шартли тар-зда иккига ажратиб мум-кин: меҳнатнинг бошлан-ши ҳамда халқ шодиёнаси. Биз сиз билан шодиёналар ҳақида суҳбатлашдик... Дарвоқе, 13—14 март кунлари барча маданият ва санъат муассасаларида

шанбалик ўтказилади. Хо-димиларимиз 250 минг ту-дан кўпроқ кўчат ўткази-дилар, уларнинг 150 минг тупга яқини тул кўчатла-ридир. Маросим ўткази-ладиган майдонлар, кўча-лар ва ҳибоблар, ариқ-лар тозаланади. Безакчи расомлар Наврўзни ша-рафловчи шпорлар тайёр-лашади, шаҳар ва қиш-лоқларимизни безатишади. Наврўз — дўстлик ва иноқлик байрами. Қардош-лик алоқаларимизни мус-таҳкамлаш ниятида Нав-рўз тантаналарида Марка-зий Осие мамлакатларидан меҳмонлар ҳам қатнаш-дилар. Қашқадарёга — тошқувузлиқ, Хоразмга — ўшлиқ, Ташкентга — чим-кентлик, Фарғонага — хў-жандлик қардошларимиз тақдиф этилганлар.

Вазирлигимиз муассаса-ларининг жамоалари хай-рия тадбирларида ҳам фа-ол қатнашиш истагини бил-диридилар. Автобазимиз, ма-даният моллар базаси, ку-риллиш-таъмирлаш бошқар-маси ишчи ва хизматчилари 14 март кунини шанбалик ўтказиб, ундан тушган маб-лагини «Наврўз-93» меҳр-мурувват жамғармасига топ-ширадилар.

В. АБДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Музыкалар

Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва ғийбатчилар, ё кўролмаб, ёки тама- гирлик билан ёлғон тўқиб, чиндай қилиб ясаб чиқарадилар ва [палид] мақсад- ларига етишадилар. Давлат ичида талай олчоқ, ёмон одамлар бордирки, давлат душ- манларини яхшилаб, унинг жон фидоларини турли мақр-ҳийлалар билан хароб қилади- лар. Буларнинг мақсадлари салтанат кўрғо- нига раҳна солишдир. Чунончи, амир Хусайн менинг вазирларимдан бирини алдаб, давлат- нинг таянчи, икки қўли бўлмиш амир Ики Темур ва амир Жокунни менга қарши қўймоқ- чи бўлиб гап чиқарди. Мен унинг хиёнатини фаросатим-ла сезиб қолдим, шунинг учун улар хусусида айтилган ҳамма гапларни эшитмаганга олдим.

Чунончи шундай воқеа юз берганди. Яқин- ларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдига улур ва эътиборли амирлар- римдан бўлган амир Аббосга ҳасад ва душ- манлик қилиб, унинг ҳақида бўлмағур гап- ларни айтдилар. Ёлғон сўзлари шамоли билан ғазабни ўттини алангалатдилар. Натигада гапларини текшириб кўрмасдан ғазаб устида амир Аббосни ўлимга буюрдим. Охир оқибат- да уларнинг амир Аббос ҳақида хиёнат қил- ганликларини англадим ва қилган ишимдан ўқниб, жуда пушаймон бўлдим.

Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия ва- зирлари, молия ишларида хиёнат қилиб, [бойликнинг бир қисмини] ўзлаштириб олган бўлсалар, [текшириб кўрилсин]. Агар ўз- лаштириб олган маблағи, ўзига тегишли улуга миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совға-инъом ўрнида берилсин. Агар ўз- лаштириб олган маблағи маошидан икки ба- робар ортқ бўлса, ортқи оладиган маоши ҳисобидан ушлаб қолинсин. Агар маошдан уч баробар кўп маблағ олган бўлса, ҳаммаси [салтанат ҳазинасига] тортиқ сифатида олин- син.

Яна ҳукм қилдимки, вазирларни ортқча сийламасинлар, чунки алоҳида иззат-икром кўрсатиб, ўзларини [уларнинг назаринда] обрў-эътиборсиз қилиб қўядилар. Бу эса салтанатга зиён етказиши мумкин.

Ҳарасўй, бузуқ ва ҳасадгўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитма- синлар, чунки бу табақадаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, негаки, олам аҳлининг барчаси дунёталабдирлар. Агар вазирлар

71.

бундай одамларнинг кўнглига қарасалар, дав- латга хиёнат қилган бўлурлар, қарамасалар, улар вазирларга душманлик қилурлар.

Чингаътоннинг бир вазир бўлган экан, Ҳарасўйлар уни хазинадан бир неча минг олтин ўйради, деб [хонга хат] ёзган эди- лар. Хатни хонга кўрсатганларида, у мазкур вазирни ҳузурига чақиртириб, унга итоб¹ қи- либ дебди: «Сен назари паст одам экансан. Мендек подшоҳнинг вазир бўла туриб, мам- лакатидан шунчалик оз нарса олибсан!» Доно вазир [хоннинг] бу қадар катта эҳсон- нидан мамнун бўлибди ва бор давлатнинг барчасини келтириб хонга пешкаш қилибди. [Бу билан] хон олдига ўз мартабасини ва обрў-эътиборини сақлаб қолди.

[Яна ҳукм қилдимки,] қайси бир сипоҳий ҳадидан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум қўлига топ- ширсинлар, токи додига ўшалар етказсинлар. Агар қадхудо² ва калонтарлар³ кичикроқ даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, қилган зулмига яраша, ҳар кимнинг кўтари- шига жазима солсинлар. Агар доруғалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин. Агар бирор кимсаннинг гуноҳи исботлангандан сўнг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасин- лар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар.

Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса Есо⁴ бўйича жазо- ласин. Кимки биронинг молини зўрлик би- лан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини зolimдан қайтариб олиб, эгасига топширин- лар. Агар кимда-ким тиш сандирса, кўзини кўри қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зини⁵ ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозиси⁶га олиб бориб топширинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин.

1 Итоб — қаҳр-ғазаб билан сўроқ қилиш.
2 Қадхудо — қишлоқ, жамоа оқсоқоли.
3 Калонтар — шаҳар ҳукмдорларидан бири.
4 Есо — Чингизхон жорий этган қонун-қондилар маммуаси.
5 Зини — ғайри қонуний жинсий алоқа: ўзаро ни- коҳда турмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқада бў- лиши.
6 Аҳдос қозиси — урф-одатлар ва кундалик ишлар- нинг бажарилишини назорат қилувчи.

72.



Раққосани сахна чорламоқда.

С. МАҲҚАМОВ олган сурат.

МАНА, икки ҳафта бў- лаптики, Вобкент райони ҳокими Шавкат Иброҳимов ҳар гал адаши Шавкат Хасановнинг но- мини ашитганда бир сал- чиб тушади. Шунча яхши- ликларга у шундай жавоб беради, деб сира ўйлама- ган бўлса керак-да!

Лекин ҳақиқатдан кў- юми бўлмайди. Ҳоким уни адашим деб ардоқлаб, бир лавозимдан иккинчисига пайдар-пай кўтариб охири «ёғлиқ иш»га кўндринга қадар сим қоқмаган одами қолмади.

Бўлмаса Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи- нинг Ўш филиали бугирувчиса- ни Вобкентда ким ҳам та- нийди, дейсиз? Яқиндагина ўн иккинчи битириб келган, эъдиғина 25 бахорни қарши- лаган Ўш филиали кўп ўтмай Вобкент район маҳаллий хиз- мат қўмитасига директор этиб тайинланди. Шу лаво- зимда бироз ишлаб, рай- он сугурта ташкилоти бош- лиги курсига кўчиб ўтди.

1986 йил сентябрда эса район партия қўмитаси таш- килий бўлимига масъул вазифага ўтказилди.

Кўп ўтмай қайта қуриш бошланди кетди. Партия ташкилотларида хизмат ла- возимлари қисқартирилиб, кўпгина ходимларни иш би- лан таъминлаш зарур бў- либ қолди. Чақон Ўш филиали биринчи котибга кириб, қў- ллаб юборишни илтимос қилди. Адаш бўлгандан кей- ин қўлламай бўлармиди? Район партия қўмитасининг биринчи котиби Шавкат Иброҳимов тавсияси билан у нафақахўрлар жамғармаси- нинг район вакили лавози- мига қўйилди.

Албатта, у иш билан қи- яшши ҳам мумкин эди. Бироқ лавозим учаллик ёғ- лиқ эмасди. Яна котибининг таъинига кириб янгида таш- килий бўлиб қўйилган давлат со- лиқ инспекциясига ишга ўтказишни илтимос қилди. Шавкат Иброҳимов 1990 йилнинг майида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухоро вило- яти бўйича давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А. А. Бобоҳўжаев номига тақдим- нома юбориб, шу вазифага Шавкат Хасанов номозидан тавсия қилди.

Бу вазифада эса А. Ража- бов ишлатган эди. А. Бобо- ҳўжаев бу икки шахс ўр- тасида маъсуд учун тортишув бораётганидан хабардор эди. Шунинг учун тақдимнома- ни икки тараф шаймади. Бу эса биринчи котиб- нинг нафосиятига тегили. Шавкат Иброҳимов айтганини қилганидан одамлар тои- фасдан. Ваъда бердимки, унинг урдасидан чиқинчи керак.

Шунинг учун бир арим йил ўтар-ўтмас 1991 йил 24 октябрда энди халқ доғу- талари район Кенгаши раё- сати номидан унинг раёси сифатида А. Бобоҳўжаевга яна тақдимнома жўнатиб, Шавкат Хасановни шу лаво- зимга қўйишни қатъий тақ- лиф қилди. Охири вилоят инспекцияси бошлиғи ҳо- лижонга қўйилмаган, икки ўр- таси рақобат туғайли бошланган аризабозликдан тас- бебиб, А. Ражабовни ўз аризасига биноан вазифаси- дан овоз қилди ҳамда Шав- кат Хасановни унинг курси- га ўтказди.

Шавкат Хасанов яқинда нақд пора олаётган пайтида қўлга тушди. У ҳозир тер- ловчиларнинг саволларига жавоб берапти. Тергов маффаатларини кўзлаб пора олиш тафсилотини бир че- кага қўйиб турайлик. Рес- публикада жиноятчиликка қарши кураш бораётган пайтда унинг қора қилмиш- лари жаъосиз қолмаслиги шубҳасиз. Лекин район ҳо- кимининг булажак пора- хўрларни қўллаб-қувват- лашдан бошқа иши йўқми- ди?

Бор эди, бундан муҳим- роқ иш бор эди. У Вобкент шаҳри марказида баланд миқдорида остида дабдалли масжид, мадраса қурдариб, шаҳарнинг шухратини етти қилмига ёйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди.

Албатта, ҳоким ва унинг ўринбосари қўл қовушти- риб турганда бошқа «иш- билармонлар» ташаббусни ўз қўлларига олишадилар. Ахир, уларга қилинаётган ишларини кўз-кўз қилиш учун мана шундай фурурат лар керак-да!

Шухратпарастлар ораси- да Вобкентда туғилиб ў- танлар ҳам оз эмас. Улар- нинг аксарияти ўзларнинг шухратига шухрат қўшиш учун маблағни аяб ўтир- майди. Қайси бир тадбир- кор ишнинг қўрсатишни ис- тамайди? Биз уларни ай- тиб ниятидан узоқмиш. Фақат пайғамбаримиз Му- ҳаммад алайҳиссаломнинг масжидларга зоб бермас- ликини васият қилганли- ларини эслатмоқчимиз, хо- лос.

лаб меҳмонлар учун дас- турхон ёзди. Сўйилган қўй- ларнинг эса саноғи йў!

Вобкентда ўтган бу маро- симнинг дабдаллари ҳақи- да эса келгусида балким унинг ишторочилари сўз- лаб беришар. Ўшанда ви- лоят ва район раҳбарлари унинг дарвозаси олдига қўл қовуштириб меҳмон- ларни кўтиб олишди. Улар- нинг ичида ҳокимлар улар- нинг ўринбосарларнинг ўзи бир сафта тизилган эди.

Вобкентлик шухратпараст- нинг келиши яна бир да- бда билан боғлиқ. У Бу- хорога маъсуд самолёт ма- ллаб учиб келди. Ўнлаб ма- шиналарда раҳбарлар уни тайёрағода таъзим билан кўтиб олишди. Бунинг қан- дай қилиб камтаринлик деб аташ мумкин? Район ҳо- кимлиги раҳбарлари меҳ- нат жамоаларидаги муаммо- ларни ҳал қилиш ўрнига мана шундай эътифатхўрлик қилишга вобкентлик меҳ- натқашларнинг ахлоди ни- ма кечадиган? Ахир районда халқ фаровонлиги даража- сини белгилайдиган кўпга на кўрсаткичлар бўйича юксалиш ўрнига инқироз борлиги сир эмас-ку!

Районда меҳнатқашларни меъёрий озғин-овнат маҳ- сулотлари билан таъмин этишда қўйилган кўп. Тур- ли раҳбар илорларга, «Ўзе- бикистон овози» ва бошқа газеталар редакциялари- га бу ҳақида ариза ва шикоят- лар келиб турибди.

Райондаги 6 та корхона ва ташкилот ўтган йили деяр- ли 7 миллион сўмлик иқти- содий зарар кўрди. Хўжа- ликлар ва аҳолидан мол ва парранда харид қилиш ўсиш суратлари 1991 йил- га нисбатан 86,7 фоизга ташкил қилди. Давлат бую- ртмаси бўйича ҳам бу кўрсаткич 87 фоизга етказил- ган, холос.

Барча тоифадаги хўжа- ликлар бўйича 1991 йилда- га нисбатан 95,8 фоиз сўт харид қилинди. Давлат буюртмаси бўйича бу кўр- саткич илгариги йилга нисбатан 10,4 фоиз паса- йди. Тухум харид қилиш ҳажми режанинг 82 фоиз даражасида бўлди. Сабза- ват маҳсулотлари топши- ришда ҳам қолқонликка йўл қўйилди.

Вобкентда жиноятчиликка қарши кураш ҳам афсуски, ўлда-жулда. Балиқ боши- дан сасийди деб бежиз айт- майдилар-да! Бир раҳбар порахўрлик қилса, иккин- чиси уни ҳимоя қилишга чоғланиб турса, жиноятчи- ликнинг пайини қирқиб бўладими? Вобкентдаги хо- дисалар — Бухоро вилояти- нинг бир кўриниши холос. Халқ эса ҳамомасини кўриб- билиб турибди. Сабр-бардош- нинг ҳам чеки бор, ахир!

Халқ ҳар қандай қийин- чиликларга бардош бериши мумкин. Лекин адолатсиз- ликка чидамайди. Прези- дентимиз И. А. Каримов- нинг қунончаллик билан айтган бу сўзларини асло эсдан чиқармайлик!

Аслидини БОЛИЕВ, Нуратилла НАИМОВ, «Ўзбекистон овози» мах- сус мухбирлари, Бухоро вилояти.

ВОБКЕНТЧА ВАСВАСА

ёки порахўрнинг пешонасини силаб, шухратпарастларга оқ йўл тилаб юрган тўралар хусусида

Мана шунда ўзимни ҳеҳидий ҳокимдек ҳис қилишим мум- кин деб ўйларди.

Шунинг учун қароғоҳи Москвада бўлган маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясини шун- дай ташаббус билан чиқар- нида ҳоким бу тақлифни жон-дилдан қўллаб-қувватла- ди. Халқпарвар раҳбар сифа- тида москваллик дўстла- рига «Келинглар, дабдалла- ли режаларни нарига қўй- иб, бозор иқтисодиётининг шу оғир қуларидан бева- бечоралар, яқна-ёлғизлар, ногиронлар, кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлай- лик», дея олмади.

Вилоятнинг бошқа райо- лари қатори Вобкентда ҳам анча-мунча нозор оилалар бор. Улар рўзғорда қайна- диган қозон учун масал- лиқ тополмай қийналиш- моқда. Бироқ улар нима бўлса бўлсин, Вобкент- нинг шухрати оламга та- ралсин.

Мақтанчоқлик, эришила ётган натижаларни кўз-кўз қилиш район ҳокимлигининга хос хислат эмас. Унинг би- ринчи муовини Х. Шайдо- вич ҳам шу касалга мубта- ло. Акс ҳолда «Бухоро ҳа- қиқати» вилоят газетаси- нинг шу йил 21 январда босилган мақоласида ма- даният ва умуминсоний қадриятлар халқ академия- сининг Вобкентдаги Ал- Бухорий номи ишлаб чи- қариш бirlашмаси фаоли- тини бунчалик кўнка кўта- рармиди?

Унинг таъкидлашча бирлашма ташаббуси бил- лан Вобкентда нислоруд за- води, гишт заводи қури- лапти. Охунбобоев номи жамоа хўжалигида балиқ- хона ва уни дудлайдиган цех барпо этилмоқда ва хо- казо эмши...

Дарвоқе, мазкур масжид қурилишига ўн миллион- лаб маблағ сарфланмоқда. Бу ишнинг бошида турган ташкилот — маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг Воб- кентдаги Ал-Бухорий номи ишлаб чиқариш бirlаш- маси раҳбари И. Истамов- нинг мақбани айтишича: «Бундай гигант ишлар ўз- ўзидан амалга ошмайди». Тўғри, пул топиб йирин ишоотни қуришининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта маблағ, ишчи кучи, бинокорлик материаллари, бошқа моддий-техника ре- сурслари зарур.

Лекин масаланинг бир томонида эътибор бермоқ керак: ҳозирги иқтисодий тағлиқ шароитида халқий маъсуд учун «Донги етти иқ- лимга кетадиган» масжид қуриш шунчалик зарур- ми? Бунинг ўрнига ушбу маблағни мактаб, болалар боғчаси ёки шифохона қу- ришга сарфлаш афзал эмасми? Ахир, Вобкентда кейинги йилларда бундай эҳтиётлаб маданият ма- ший муассасалар қурили- ши кескин камайиб кетди- ку! Наҳотки, ҳоким бунинг тушуниб етмасми? Тушу- надил, фақат ўз билганича. Ҳойнаҳой, унинг фикрича, мактаб, боғча қуриш қочмас эмши?! Ақсинча, Шавкат- бой Вобкентда катта мас- жид қурдирибди деган сўз Москвадан эшитилсин!

Вобкентлик шухратпа- растларга пайғамбаримиз- нинг яна бир ҳадисларини эслатмоқчимиз. Муҳаммад алайҳиссалом ҳар бир маро- симга битта қўй сўйин, жуда бўлмаса иккита қўй сўйин, деб васият қилган лар. Вобкентлик шухрат- параст бу ерда ўтказган бир маросимда эса минг-

ЎТГАНЛАРИНИ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва касаб- уошмаси ташкилоти жамоаси қиллоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси ва физиология, ветеринария асослари кафедраси- нинг профессори Н. М. Матқонова умр йўлоғи

Ляйля Йсмонлова ЗАМЕЛИТИДНОВАнинг вафот этганига муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи- лади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ҲҚИЙСИЗ:

- Газета — давр муҳ- ри («Ўзбекистон овози» лари) ● Олмалиқ олтинпаз- лари ● Эътибор Охунова ижодхонасида

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80; 32-53-14.
Иجتимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-34-69; 32-53-97.
«Осиё бозори» — 33-76-04; 32-53-15.
Котибнат — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирүүлр — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
Анджонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулстонда — 2-26-22; Урганчда 6-72-60;
Жиззахда — 3-31-86; Термизда — 2-23-01.
Қаршида — 3-25-79;
Навбатчи муҳаррир: Ш. РҶЗИЕВ.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИННОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 1992 ЙИЛ ЗАЁМИНИНГ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Республика заёми облигациялари уларнинг эгаларидан жамғарма банки бўлимлари томони- дан сақлаш учун қабул қилинади. Сақлаш учун топширилган облигациялар унинг эгасига ворис бўлган ёки бўлмагандан қатъий назар бир ёхуд бир неча кишига васият қилини- ши мумкин.

Облигация соҳибларининг хоҳишига кўра жам- гарма банклари сақлаш учун топширилган обли- гацияларни ютуқлар тиражи жадалига қараб тек- ширишлари ва ютуқ суммалари ҳақида хабар қи- лишлари мумкин. Сақлаш учун қабул қилинган облигациялар уларнинг эгаларига ёки ишончнома олган киши- ларга тўла ёхуд бўлиб-бўлиб берилади. Обли- гацияларни эгасининг аризасига мувофиқ унинг ўзига ёки бошқа биронинг манзилгоҳига жўна- тишлиши мумкин.

Облигациялар талаб қилиб олингунча ёки за- ёмлар муддати тугагунча сақлаш учун қабул қи- линади. Сақлаш учун йилига облигация қийматининг 0,5 фоизи миқдориди ҳақ олинади. Тираж жа- двали чиққанда ҳар бир облигация текшириб кў- рилгани учун 10 тийиндан хизмат ҳақи олинади. Жамғарма банклари томонидан қабул қилинган республика заёми облигацияларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланади.

ЖАМҒАРМА БАНКИ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕР!

ҲУЖЖАТЛАР ВА ҚИММАТЛИ БУОМЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ШАХСИЙ СЕЙФЛАРИДА САҚЛАШ ИШОНЧИДИР.

Бунда қуйидаги афзалликларни ҳисобга олинг: Сақлаш учун топширилган қимматли буюм ва ҳуж- жатларингиз сирлилиги ва сақлануви кафолатла- нади.

Сақлаш муддатларини ўзингиз белгилайсиз. Сизнинг хоҳишингизга кўра сейфга дастлабки топширишни нотариал идорада тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа бирор бажариши мумкин. Сиз сақланаётган буюм ва ҳужжатларингизни истаган одамга, Сизга ворис бўлган ёки бўл- маганидан қатъий назар нотариал идорада тас- диқланган ҳужжат орқали васият қилишингиз мумкин.

Сейфлар учун ижара ҳақи уларнинг ҳажми ва сақланиш муддатига қараб шартномавий баҳо- ларда олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ЖАМҒАРМАЛАР БҮЙИЧА ФОИЗЛАР МИҚДОРINI ОШИРДИ

Энди (1993 йил 1 январдан) бу миқдор қуйида- гичидир:

- Тўланадиган фоизлар миқдори талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича — 10 фоиз
- Муддатли омонатлар бўйича — 1 йилдан 3 йилгача сақланганда... 20 фоиз — 3 йилдан 5 йилгача сақланганда... 30 фоиз — 5 йилдан ортқ сақланганда... 45 фоиз
- Ешларнинг мукофотли омонатлари бўйича — 20 фоиз
- Боаларнинг мақсадли омонатлари бўйича — 45 фоиз
- Йиғиладиган омонатлар бўйича — 45 фоиз
- Ютуқли омонатлар бўйича — 6 фоиз.

ЖАМҒАРМА БАНКИ ЭНГ ИШОНЧЛИ БАНК БЎЛГАН ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. УНИНГ ОМОНАТЧИЛАР ОЛДИДАГИ БАРЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИ КЕНГАШИ ВА
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ
Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бирорте ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Кўпезмалар ҳажми чегараланмайди.
● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт- матбаа концернининг босмаҳонаси.
● Газетанинг босилиш сифати ҳақнда эътирозини қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.
Газета офсет усулида А-2 формадга босилади.
Тиражи — 169.328 нуска. — 21.00, топширилди — 23.40.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 23.40.
Г-115 № 41. 1 2 3 4 5/6.